

# Qishloq hayoti

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар! Аввало, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни кутлуг айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун дунё қатори юртимизда ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли бу йил ҳам Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин бу байрам қалбларимизга қувонч ва шуқуқ бағишлаб, оилаларимизда, меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Мухтарам дўстлар! Ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаятигани ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Айнан Конституциямизга таяниб, биз бундан беш йил олдин мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш бошладик. Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очкилик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Биз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш гоёсига содиқ қолиб, шу йўлда кенг қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўпладик.

Аввало, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий қоидадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш фаолиятимиз мезони этиб белгиланди. давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдида ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилди.

Давлат органлари фаолиятида очкилик ва ошқоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча мансабдор шахслар қўйи бугунга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этмоқда.

Мухим қарор ва қонунлар лойиҳаларини, бюджет маблағларидан оқилонга фойдаланиш, давлат харидлари масалаларини муҳокама қилиш жараёнида бугун фуқароларимиз фаол иштирок этмоқда. Шу асосда давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва жамоат назорати янги босқичга кўтарилмоқда.

Юрдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудига эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк содиқ олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Айниқса, давлат томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чет элларда ҳам таъминлаш бўйича бошлаган ишларимиз ҳорижада яшаётган юрдошларимизнинг Ватанимизга бўлган меҳри ва ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундай натижаларга эришишда Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилигимиз иштирокида ҳал этилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимлари даст-

лабки ижобий натижасини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, муҳтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий кенгашлар фаолияти ҳам жонланмоқда. Шу йилнинг ўзида ушбу тузилмалар орқали фуқароларнинг 29 мингдан зиёд муаммолари ижобий ҳал этилган, ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган раҳбарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилатгани ҳам шундан далолат беради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган суд тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат инстанцияси бекор қилиниб, фуқаролар ва адвокатларнинг шикоятлари ҳам, худди прокурор протести каби, тўғридан-тўғри қўриладиган тартиб ўрнатилди.

Илк бор мансабдорларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб турадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали жорий йилнинг ўзида 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Иқтисодий ва фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки чекланди, жиноят ишларини асоссиз равишда суддан қақриб олиш билан боғлиқ амалиётга барҳам берилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида Халқаро тижорат арбитражи фаолияти йўлга қўйилди.

Адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вахил – Омбудсман томонидан ташкил этилган жамоатчилик гуруҳлари ўз вазифасини самарали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва олижаноблик тамойилларига амал қилган ҳолда, билги-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузулиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан афв институти мунтазам қўлланди. Шу борадаги ишларимизнинг давоми сифатида Конституция куни арафасида яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра, шу тоифага мансуб 182 нафар шахс муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаётга қайтарилмоқда.

Мамлакатимизда сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик фикрини ифода этадиган “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла таъбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида эътибор қаратамиз. Парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш, ижро органлари устидан вакиллик назоратини кучайтириш, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Айниқса, худудларни ривожлантиришда маҳаллий кенгашлар ролини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратиш эътибо-

римиз марказида бўлади.

Маъмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, ихчам бошқарув аппарати шакллантириш ва иш юритишни рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Яна бир муҳим вазифа амалдаги жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда колониялардаги маҳкумларнинг қарийб 80 фоизи меҳнатга жалб этилган бўлса-да, уларнинг ишлаган йиллари умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланмайдиган пенсия тайинлашда инобатга олинмайди. Ижтимоий адолат тамойилига тўғри келмайдиган бундай чекловнинг бекор қилиниши маҳкумлар томонидан молиявий муҳтожлик туфайли такороран жиноят содир этишининг олдини олишга хизмат қилган бўлур эди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш учун “дастлабқа ёрдам пакети” тизими жорий этилади. Хусусан, ўзининг аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизмати ривожлантириш жамғармасидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилади.

Тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига нисбатан мурасасизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттирамиз. Бу борада давлат идоралари билан бирга, кенг жамоатчилик, айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг куч ва салоҳиятидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратамиз.

Азиз дўстлар!

Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқларвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларини амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустақам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустақам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда.

Шу йил Президент сайлови олдиндан бўлиб ўтган учрашувларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан билдирилган тақлифларда ана шу масала алоҳида қайд этилгани конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бу, айниқса, қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлмоқда.

**Биринчидан**, илгари амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустақамлаш зарур.

**Иккинчидан**, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак. Бу – халқларвар давлат барпо этишининг энг муҳим шартидир.

**Учинчидан**, “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган эзгу доирасида Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустақамлаш ҳам давр талабидир.

**Тўртинчидан**, Бош қомусимизда оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувлигини янада мустақамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур.

**Бешинчидан**, фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқаётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, уйил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак.

**Олтинчидан**, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди, деб ўйлайман.

**Еттинчидан**, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур.

**Саккизинчидан**, ҳозирги вақтда қўллаб-ривожланган давлатлар, табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституциясига экологияга оид махсус боллар киритилмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим.

**Тўққизинчидан**, Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий халқаси бўлмиш бочча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустақамлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, Конституцияни янгилашдек гоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илгор тажрибаларни қўқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.

Олий Мажлис палаталари, ҳурмати депутат ва сенаторларимиз, муҳтарам нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар жамоатчилиги, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларимиз, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлиларимиз, бутун халқимиз бу масалада ўзининг аниқ фикр ва қарашларини билдирадиган, деб ишонаман.

Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг “Яхши бўлиш учун – ўзгариш керак, яхшиларнинг яхисини бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”, деган сўзларида, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно муҳасам.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли давр биздан замонаг мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этмоқда. Ана шундай талабга жавоб берадиган мукамал Конституцияга эга бўлиш учун Асосий қонунимизнинг янги лойиҳасини тайёрлашимиз, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган тақлифлар асосида такомиллаштириш, ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик байрами нишонланадиган кунларда қабул қилиш, ўйлайманки, миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Мана шу улуг айёмда халқимизнинг дилидаги бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Янги Ўзбекистондаги ислохотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди.**

Янги Ўзбекистон гоёси эл-юртимизнинг улкан интилиши ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуг мақсад йўлида янада жипслашиб, файрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, қўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз.

Ишончим комил, орадан йиллар, асрлар ўтди, лекин гоят қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайдим. Барчамизга ана шундай буюк бахт ва шараф ёр бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганин ўзи мададор бўлсин!

Сиз, азиз ватандошларимиз Конституция кунин билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЕЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



## Agrobank РЕБРЕНДИНГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган “Agrobank” АТБ яқинда ўз ребрэндингини эълон қилди. Репбрэндинг тақдироти пойтахтимизнинг “Ўзэкспомаказ” кўрғазмалар мажмуасида ўтказилди.

Agrobank республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлиб, 170 та филиал, 146 та банк хизматлари марказлари, 498 та 24/7 кўринишидаги автоматлашган шабхочалар тармоғига эга. Сўнгги 5 йилликда мамлакатимиз молия-банк тизимида улкан ўзгаришлар Agrobank фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди. Бу даврда капиталлашув базаси кескин оширилди, маҳаллий ва хорижий ресурсларни жалб қилиш, иқтисодиёт тармоқларини фаол кредитлаш борасидаги имкониятлари кенгайди.

(Давоми 2-саҳифада)

## СУВ ҲЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда сув ҳўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш ислохотлар изчил суръатларда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди. Президентимиз “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни имзолади.

Қабул қилинган ҳуқуқий-метъёрий ҳужжатлар асосида соҳада сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, сув ҳўжалиги объектиларини модернизация қилиш, давлат-хусусий шериклик ва сув ҳўжалиги объектиларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги беш йилда жами 891,4 минг гектар, жумладан, 290,3 минг гектарда томчила-тиб, 13,5 минг гектарда ёмғирлатиб, 10,6 минг гектарда дискрет сугориш технологиялари ва 299,3 минг гектарда эгилувчан қувурлар, 91,9 минг гектарда эгатга плёнка тўшаб сугориш технологиялари жорий қилинди. Шу билан бирга, 185,8 минг гектар майдонлар лазер ускунали текислагичлар билан текисланди. Шундан, 2021 йилнинг ўзида 490,1 минг гектарда сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий қилишга эришилди. Сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий қилинган аксарият майдонларда 35-40 фоизгача сув ресурслари иқтисод қилинди.

Ирригация-мелиорация объектиларини қуриш ва реконструкция қилишга республика бюджетидан ажратилган 5 755,7 млрд. сўм маблағлар ҳисобига 2 782,6 км. каналлар, 554,6 км. лоток тармоқлари, умумий сув чиқариш қобилияти 62,8 м³/сек бўлган насос станциялари, 546 та тик сугориш қудуқ, 5 148,0 км. коллектор-дренаж тармоқлари, 379 та вертикал дренаж қудуқлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектилари қурилди. Натижада ирригация-мелиорация тизими тармоқларининг техник ҳолати, 1,43 млн. гектар сугориладиган ва 1,22 млн. гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Шунингдек, сув ҳўжалиги объектиларини модернизация қилишга хорижий инвестициялар жалб қилинишига эришилди ва 6 та лойиҳа доирасида жами 521,5 млн. доллар кредит ўзлаштирилди. Бунда лойиҳалар ҳудудда 373,9 минг гектар сугориладиган майдонларнинг сув таъминоти оширилмоқда.

Соҳада замонавий-ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Жумладан сув ҳўжалиги объектиларида 4 966 та замонавий рақамли технологиялар, жумладан, 2 908 та “Ақлли сув”, 1 727 та мелиоратив кузатув қудуқларида ер ости сизот сувлари текислагичлари ва 306 та насос станцияларида сув миқдорини онлайн мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилди ва 25 та йирик объект автоматлаштирилди.

Натижада, сув ресурсларини бошқариш, сувнинг ҳисобини онлайн юритиш имконияти яратилиб, маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш имконини берувчи 5 та модулдан иборат “Вазиятлар маркази” ахборот тизими ишга туширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

"Ўзбегим" қасидаси учун Эркин Воҳидовга ўз вазни оғирлигида олтидан ҳайкал қўйса ҳам камлик қилади"

Эркин Воҳидов таваллудининг 85 йиллигига

Бу дунёда шоирлар кўп, ёзувчилар кўп. Лекин Эркин Воҳидов шеърият бобида нигоҳ этмас қояларни забт этган, камтарин ва донишманд қаламкаш эди.
Зеҳн-заковати, меҳр-муҳаббати ва исломий маънавияти билан бошқа ижодкорлардан кескин ажралиб турувчи қаҳрамон шоиримиз ҳаёт бўлганида айна кунларда 85 ёшга тўларди. Шу муносабат билан у киши тўғрисида дил сўзларини айтмоқчи бўлганлар эса сон-саноқсиз. Гарчи ўзи ижодкор бўлмаса-да, қачон, қайси даргоҳда ва қандай лавозимда ишлагани, доимо адабиёт ва санъат аҳлини эъзолагани, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатгани, кези келганда, ҳомийлик қилгани, Эллиқалъа туманида салкам йигирма йил ҳоким сифатида ишлаб, эл-юрт ҳурматини қозонган Неъматилло Худойбергандов ҳам шундай кишилардан биридир. Қуйида охириги пайтлар қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётимиз ривожини йўлида илмий изланишлар олиб бораётган бу инсон билан Эркин Воҳидов ҳақидаги суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қилаёмиз.



Суратда: (чапдан ўнга) Неъматилло Худойбергандов, шоирлар Шарифа Салимова, Гавҳар Ибобуллаева ҳамда Эркин Воҳидов.

Неъматилло ХУДОЙБЕРГАНОВ:

"ШЕЪРИЯТ БЎСТОНИНИНГ БУЛБУЛИ ЭДИ..."

манда ўқиб берди. Унинг қуйидаги мисралари ҳали-ҳануз эдимда:

Гапинг бўлса, мандан тўғрича сўра,
Микрофонингни куй, мухбир укажон!
Мен учун темирча сўзлашдан кўра,
Эртадан кечгача ер чолган осон.

"Пахтакор касбининг шох-бутоғи йўқ,
Қўл қадоғи бору, иш адоғи йўқ".
Бир кеча кўрсайдинг сучи захматин,
Тарк этиб саҳарги уйку лаззатин.

Эркин Воҳидов шеърини ўқиб бўлган, залга йиғилганларнинг барчаси ўрнидан туриб, уни гулдурас қарсақлар билан узоқ олқишлади.

Қорақалпоғистон Республикасида турли вазифаларда ишлагани, кейинчалик Олий Мажлис депутати сифатида фаолият кўрсатган йилларим Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Юсупов, Уткир Ҳошимов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Хуршид Дўстмуҳаммад, Сирожиiddин Саид, Гулистон Матқубова, Шарифа Салимова сингари бир қанча эл

суйган адиблар билан яқиндан танишдим. Улар ҳақида сўзлаб адоғига етиб бўлмайдиган олам-олам хотираларим бор.

2002 йил 9 майда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан учрашув ўтказди. Шу жараёнда шоир ва ёзувчилар олдига "Нега халқни ичига қирмайсизлар? Нега улар билан учрашмайсизлар? Нега замонамиз қаҳрамонлари ҳақида эъзамайсанлар?" деган ҳақли саволларни қўндаланг қўйдим. Бир неча кундан кейин Олий Мажлиснинг (у пайтлар Парламент бир палатали эди) навбатдаги сессияси бўлди. Танаффус чоғи олд қаторда ўтирган Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг ёнига бориб, "Мен Эллиқалъадан депутатман. Битта таклифим бор, сизлар ўларингизга мақбул пайтда бизнинг туманга бориңлар. Шеърият байрамлари, мушоиралар уюштирасан, Юртбошимиз талабларига мос иш бўлади", дедим.

Орадан ҳеч қанча ўтмай ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошличилигидаги бир гуруҳ адиблар Эллиқалъага ташриф буюришди. Самараси чакки бўлмади. Жуда қизиқарли мушоиралар ва учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, ёш ижодкорлар ўртасида ҳар икки йилда бир марта "Мушоира этади давом" кўрик-танловини жорий этиш белгилаб олинди.

Уша вақтда Ўзбекистон Миллий университети қошида олий адабиёт курси очилганди. Кўрик-танловимизга шу курс талабалари орасидан иштирокчилар саралаб олинди. Шеъриятдан бошланган мушоиралар кейинчалик Отажон Худойшукров хотирасига бағишланган санъат фестивалларига айланиб кетди. "Нафосат бўстони меним" кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Шунингдек, таниқли шоир Эркин Самандар таклифи билан "Ақчақул илҳомлари" номли ёш ижодкорлар анжумани йўлга қўйилди ва шу номда журнал чоп этилди. Бизнинг бу каби ижодий мулоқотларимиздан Эркин ака жуда хурсанд бўлиб, ҳар учрашганимизда миннатдорчилик билдирарди.

— Эркин Воҳидовнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири бўлса-да, ўта камтарин инсон сифатида эслаймиз. Шоир ижодида унинг камтарлиги нечоғли сезилади?
— Дарвоқе, ўзи ёзганидек, Эркин ака гуруҳ оstonасидан ҳечам ўтмаганди. У манман-

лик нелигини билмайдиган, самимиликда ва ҳалимликда барчамизга ибрат бўлган табаррук инсон эди. Бир шеърда шундай деб ёзганди:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эзилар чоинак.
Шундай экан манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам,
Ўтма гурур оstonасидан.
Пиёгани инсон шунинг чун,
Ўлар доим пешонасидан.

Хўш, айтгинчи, яна қайси шоир камтарлики бу қадр маромига етказиб мадҳ этган?

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Эркин Воҳидов мени ижодий даврдашларим дастурхонига таклиф этди. Бажонидил бордим. Уша кунни ўзбек адабиёти ва шеърияти юлдузлари бир даврада жам бўлишган экан. Мен Иброҳим Гафуров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Абдуғафур Расулов, Умарали Норматов, Мирпўлат Мирзо каби шоир ва адабиётшунослар билан дилларга маънавият оловини ёқадиған ижодий мулоқот иштирокчиси бўлдим.

Гурунг тугаган, ҳаммамиз ташқарига чиқдик. Эркин ака қаерга боришимни сўради. Касалхонада даволанаётганимни, ҳозир машина чакришимни қайта-қайта айтишимга қарамай, мени машинасига ўтиригизли, шаҳарнинг нариги четида жойлашган шифохонага олиб бориб қўйдим.

— Ҳа, айтганча, сиз давраларда

машхур "Ўзбегим" қасидаси учун Эркин Воҳидовга ўз вазни оғирлигида олтидан ҳайкал қўйса ҳам камлик қилади", деган гапни кўп такрорлайсиз...

— Тўғри айтдингиз. Мен Абдулла Ориповнинг "Биринчи муҳаббатим", Муҳаммад Юсуфнинг "Ватаним", Ҳалима Худойбердиеванинг "Муқаддас аёл" шеърлари ҳақида ҳам шундай гапни айтаман. Фикримга қўшилсангиз, деган умиддаман. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева каби эл ардоғидаги адиблар номи билан аталувчи ижод мактабларининг ташкил этилиши халқимизнинг уларга бўлган эҳтироми рамзидир. Маълумки, бир неча ой аввал иккимиз бобуршунос олим Зокиржон Машрапов таклифига кўра, Андижонга бордик. Йўл-йўлакка Марғилондаги Эркин Воҳидов номидаги фойдаланган ва у ерга ўрнатилган шоир ҳайкалини томоша қилдик. Шоир руҳини шод этиш ниятида дуолар ўқидик. Чимёндаги Хувайдо мақбарасини ҳам зиёрат қилиб, у киши ҳақида янги маълумотларга эга бўлдик.

Шунингдек, Андижоннинг Марҳамат туманидаги Муҳаммад Юсуф туғилиб ўсган хонадонга бордик. Шоир абадий кўним топан "Ғиштмозор" қабристонига қад ростлаган ҳайкал пойига гуллар қўйдик. Шоирнинг қариндош-уруғлари ва дўстлари билан учрашиб, у ҳақидаги ширин хотираларни ёдга олдик. Қўрағларимдан шундай халқасоа келдимки, турли жабҳалардаги салом ярим асприк раҳбарлик фаолиятим давомида ҳеч бир давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев каби адабиёт аҳлига бу қадр юксак эҳтиром кўрсатганини эслаб олмаман. Адабиётнинг, хусусан, шеъриятнинг шайдоси сифатида қомил ишонч билан айта оламани, авваллари шоирларга, уларнинг аҳли аёлларига, оила аъзоларига ҳозирги даражада эътибор қаратилмаган. Бундай ғамхўрлик учун Янги Ўзбекистоннинг меъмори ҳисобланмиш Шавкат Мирзиёевга қўлимни қўйсимга қўйиб, таъзим қиламан.

Миллатини севган, она тилини улуғлаган, илму маърифатли устоз, барчамизга намуна бўлган умир кеңиб, ўзидан яхши ном ва бебаҳо мерос қолдирган Эркин Воҳидов каби аллома-ю донишмандларни улуғлаш биз учун шарофли бурчдир. У юмшоқ кўнгли, мулойим сўзли инсон, таъбир жоиз бўлса, шеърият бўстониинг булбули эди.

Кеча Тошкентдаги "Чигатой" қабристонига бордим. Эркин Воҳидов қабрини яна зиёрат қилдим. Тангри таолодан шу қабристонда ётан аҳли мўминлар қатори Эркин аканинг ҳам охиратларини обод қилишни сўраб, дуога қўл очдим.

Суҳбатни журналист Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ ёзиб олди.



АГРОБАНК РЕБРЕНДИНГНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Республика банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегиясига асосан "Агробанк" АТБ фаолиятини кичик ва ўрта бизнесни, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан кредит орқали қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ва кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириш белгиланган. Ушбу йўналишда трансформация жараёнларини тизимли амалга ошириш мақсадида Осиё тараққиёт банки ҳамда KPMG компаниялари билан ҳамкорлик алоқлари йўлга қўйилиб, банкни ривожлантиришнинг узоқ мuddатли стратегияси ишлаб чиқилди. Ундан келиб чиқиб етакчи маркетинглар билан ҳамкорликда янги бренд тайёрланди. Унга кўра, Агробанк оддий инсонлар учун оддий банк сифатида ўз маркетинг коммуникациясини амалга оширади.

Ребрендинг доирасидаги махсулотлар Россия Федерациясининг "Артемий Лебедев студияси" ва маҳаллий дизайнерларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ишлаб чиқилган. Жумладан, янги логотип, нақш (паттерн) элементлари, филиалларда мижозларга хизмат кўрсатиш зали янги кўриниши, банк сайти, мобил илова, кўшимча элементлар, ўзига хос шрифт яратилди. Тақдим қилинаётган янги белги ва кўринишлар Агробанкнинг корпоратив яшил рангида ишланган ва ўзининг соддалиги билан ажралиб туради. Ташқи трансформация харажатларини минималлаштириш учун филиалларни янгилаш уч босқичда амалга оширилади ва режали косметик таъмирланади.

Шунингдек, тақдимот доирасида банкнинг

икки йўналишида, яъни давлат дастурлари ижроси ва бизнес йўналишида яратилаётган экотизим элементлари намойиш қилинди. Уларнинг ҳар бири рақамлаштириш, маркетинг яратиш ва мижозларга он-лайн хизмат кўрсатиш воситаларини кўпайтиришга қаратилган.

Банк хизматлари негизда эса мижозлар ва уларнинг эҳтиёжлари туради. Хусусан, банк экотизими таркибида қуйидаги йўналишлар мавжуд:

Chakana.uz он-лайн савдо майдони. Бу ерда смартфонлар, компьютерлар, офис ва маиший техниканинг кенг assortименти таклиф этилади ва Агробанк мижозлари бир неча дақиқада махсулотларни кредитга олишлари мумкин:

"Фермерлар мактаби" — чорвачилик ва паррандачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, молчи ва ҳуқуқий саводхонлик йўналишлари бўйича назарий ва амалий билимларни берувчи ўқув лойиҳаси;

"Agrobooks" — қишлоқ хўжалиги йўналишида ўқув қўлланмалар жамланмаси;

"Смарт-офис" — мижозларга автоматлаштирилган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази;

"AgroZamin" — қишлоқ хўжалиги махсулотлари ва хизматларини сотиб олиш ва сотиш платформаси;

"Agro Finance Leasing" — юридик шахслар учун лизинг хизматларини кўрсатиш;

"Leader Finance" брокерлик компанияси бўлиб, у қимматли қоғозлар бозорига барча турдаги хизматларни тақдим этади;

"AgroLab" — ўсимликларни ҳимоя қилиш биологоярмаси.

Ўз мухбиримиз.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонини имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий

ўтган 182 нафар шахс афв этилди. Афв этилган шахсларнинг 3 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 108 нафари жазо ўташдан мuddатидан илгари шартли жазо қилинди, 8 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан

алмаштирилди. Шунингдек, 63 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг мuddатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 6 нафарини чет эл фуқаролари, 6 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 9 нафарини аёл ҳамда 25 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

2020 йилдан бошлаб сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш тизимининг жорий этилиши йўлга қўйилди. 2020-2021 йилларда сув хўжалиги тизимидаги 67 та насос станция, 43 та қудуқ, 214,1 км. ирригация ва 512,7 км. коллектор тармоқлари бошқарувини хусусий шерикка бериш юзасидан умумий қиймати 1 162,3 млрд. сўм бўлган 96 та давлат-хусусий шериклик битимлари имзоланди.

Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки 3 йилда 123,3 млрд. сўм микродорада инвестиция киритилиши ҳисобига объектлар модернизация қилинади ва 141,0 млрд. сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига эришилади.

2021 йилда сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни



тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирлари ҳисобига 7,5 млрд. м³ сув тежалишига эришилди.

Концепция ва стратегия билан соҳа олдига улкан мақсадлар қўйилган. Хусусан, 2022-2026 йилларда хорижий инвестициялар иштирокидаги 8 та лойиҳа доирасида 1 023,3

млн. доллар кредит ўзлаштирилади, 363 км. каналлар, 1366 та гидротехника иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Натижада, лойиҳалар ҳудудида 1,2 млн. гектар сугориладиган майдонларнинг сув таъминоти яхшиланади, каналларнинг фойдали иш коэффицентини 15 фоизга (0,65 дан 0,80 гача) ошадим, насос станцияларда йилгига

ўртача 100 млрд. сўм эксплуатация ва электр энергия харажатлари учун бюджет маблағи иқтисод қилинади.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича Янги Ўзбекистон стратегияси лойиҳаси доирасида 2022-2026 йилларда республика бўйича 1,5 млн. гектар майдонда, шундан 1,3 млн. гектар майдонда томчилик ва 200 минг гектар майдонда бошқа замонавий сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий қилиниб, сугориладиган майдонларнинг 34,8 фоизини қамраб олинади.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, энергия тежамкор қурилмаларни ўрнатиш ва электр энергиясидан самарали фойдаланиш, шунингдек, рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2026 йилга бориб электр энергияси истеъмоли 2021 йилдаги 7 300 млн. кВт. соатдан 6 900 млн. кВт. соатга туширилади.

Сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати

“Мана бу ёшларнинг юриш-туриши, жамоатчиликка нописандилиги менинг ҳам ҳуқуқимни поймол қилмайдими?”

Эхтиром

“Шундай яшар одатда одам”

Афсонавий шоирнинг ушбу ҳикматли сабоқлари ҳар биримизга ҳар қадамда йўлдош, ҳамроҳ ва қалбимизга қанот бағишлайди.

Саидвафо Бобоевни таниганим, билганимга йигирма йилча бўлди. Мамлакатнинг қай бир бурчагида исталган мавзуга оид қутилган ва қутилмаган янгилик, ўзгаришни кўрса, тамом, ҳаловати бузилади. Яхши маънода албатта. Ярим тунми, каллаи саҳарми, барибир қўнғироқ қилиб, аввал узрхоҳлик қилади, кейин шоша-пиша, ёниб-жушиб жарангдор овозда сўзлай кетади:

– Бемаҳал безовта қилдим-а, сизни огажон, нима қилай, феълим шундай. Кеча Сурхондан келдим. Биласиз, Бой-сунда туғилганман. Шу десангиз, нари борса, беш йилгина бурун биз томонларга борган одам борки, йўлчиларни сўйиб қайтарди. Уйдим-чүкур, қишда лой, ёзда чанг, соғ одам хаста, бемор бўлса, кетмоқдан бери бўл ўтарди бизди йўллардан. Мана, энди қаранг, лоф эмасу, лекин пиёлада сув ичсангиз тўқилмапти энди. Ҳамма раҳбарлар Президентимиз Сурхондарёга борганида жиддий танқид қилинганидан сўнг гафлат уйқусидан уйғониб кетди, булар ана шу ташаббуслар мева бераётганидан нишон. Бўлар экан-ку, ҳозир Термизга боринг, адашиб кетасиз, шундай бунёдкорлик ишлари бўляптики, асти қўяверинг. Минг бора эшитгандан кўра, бир бора кўрган яхши-да. Шулар ҳақида кўпроқ ёзайлик, одамлар билсин...

Тиниб-тинчимас қаламқаш Саидвафо қачон телефон қилса, бирор соҳадаги катта-кичик янгиликлардан хабардор қилади. Билмадим, балки у Душанбедаги қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олгани учунми, кўпроқ ана шу мавзуга оид тажрибалар, ихтироларни ўртоқлашади. Сўрамасимдан аввал у айниқса, Сурхон тупроғида ғалачилиқда эришилаётган ютуқларни бир қур таърифлайди, сўғориладиган майдонлардан ҳар гектар ердан 60-70, ҳатто 80 центнергача ҳосил олаётган фермерларни тилидан бол томиб мақтайди. Деҳқончилик сир-асрорларини билган, бой тажриба тўплаган миришкорлар ҳақида алоҳида китоб ёзаётганини ҳам гап орасида қистириб қўяди. Ва ўз навбатида соҳадаги айрим муаммоларни ҳам санаб ўтади. Ташвишланарлиси, кейинги йилларда деҳқончиликдан мутлақо беҳабар, ер тилини тушунмайдиган

“фермер”лар пайдо бўлгани, оқибатда фақат ўз манфаатини ўйлаб, халқни ҳам, давлатни ҳам алдаб, унумдор майдонларни ишдан чиқариб қўйганлардан воз кечиш лозимлиги хусусида қанча чиқишлар ҳам қилганини санаб ўтади.

Яна бир жиҳати, Саидвафо Бобоев давлат раҳбари ташаббуси билан жойларда ипакчилик соҳасида олиб борилаётган энг сўнги замонавий янгиликларни ҳам республикамиздаги қатор нашрларда тарғиб этди. Ёзган мақолаларида оғрикли муаммолардан бири шу вақтгача қуриб, хўжасизларча ўтин учун кесилиб кетган миллионлаб тут дарахтлари ўрнига янги навларни экиш бўйича етук мутахассисларнинг таклиф ва тажрибаларини юртимиз миқёсида янада кўпроқ оммалаштириш бўйича жўяли таклифларини ўртоқлашди. Ва бугун пиллачиликдаги улкан ислохотлар, жумладан, бир йилда бу соҳада уч-тўрт марта ҳосил олиш бўйича олиб борилаётган истиқболли тажрибалар, қолаверса, кластерчилик бари бир ўзини оқлаши мумкинлигини ёзиб чарчамапти.

Қачон гурунг қилсангиз, мавзуларни қалаштириб ташлайди. Ижтимоий, иқтисодий, маънавий ўнганиш ва депрессишларни ижтимоий тармоқларда ҳам



тинмай тарғиб қилаётган журналистлар сафида унинг ҳам номи тез-тез кўриниб қолади.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Маҳоратли адиб, серқирра журналист Саидвафо Бобоев ўзининг турли жанрларга оид ижод намуналари билан ўқувчилар эътиборини қозонгани шубҳасиз. Унинг қаламига мансуб “Миллат ифтихори”, “Сиртмоқ қошидаги ўйлар”, “Армонли дунё”, “Ушалмаган эрулар”, “Қўрқинчли тун”, “Қонли қилич” “Аждарҳо комида” каби ўнлаб бадиий-публицистик китоблари чоп этилган.

Дарвоқе, деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам сарҳисоб, хирмон кўтариш деган иборалар бежиз айтилмаган. Шу маънода, ҳамкасбим, дилдошим Саидвафо Бобоевдаги ҳаётий синчковлик, маънавий жасорат, касбга содиқлик бошқаларга ҳам юқишини тилайман.

**Норқобил ЖАЛИЛОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

КОРРУПЦИЯ – РИВОЖЛАНИШИМИЗГА ТЎСИҚ

Коррупция демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур етказди. Инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Ислохотларга тўсқинлик қилиб, жамият тараққиётини ортга суради. Халқнинг адолатга бўлган ишончини сусайтиради. Ушбу иллат мамлакат ҳам, миллат ҳам танламайди. Шу боис, унга жаҳон миқёсида қарши кураш олиб борилади.



БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб “9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш кунини”, деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Сана муносабати билан “UZINSURANCE” компаниясида “Коррупция ривожланишига тўсиқ” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Бошқарув ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда ОАВлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда коррупция ҳавфининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, коррупциянинг олдини олиш билан боғлиқ қонунчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Лўнда қилиб айтганда мамлакатимизда “коррупция” сўзи ишлатилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд.

Коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида 2017 йил январидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши эса давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизимни яратиш имконини берди.

Бу албатта, сўнги йилларда ушбу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш ва қатъий кураш олиб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганидан далолатдир. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш стандартлари ва механизмларини жорий этиш, шунингдек, жамиятда коррупциянинг барча кўринишлари муросасиз муносабатни шакллантириш агентлик миссияси сифатида белгиланди.

Давра суҳбати давомида “UZINSURANCE” компанияси тизимида коррупцияга қарши ички назорат яъни, комплекс назорат департаменти фаолият юритаётгани, унинг мақсади, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, уларнинг содир этилишига қўмақлашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

“UZINSURANCE” ахборот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Турмуш ташвишларига кўра яқинда Тошкентга бордик. Метрога тушдик. Вагонга майка, шортик кийган, серсақол бир йигит билан тор, калта либосдаги қиз чиқиб, бўш жойга ўтиришди-да, бир-бирининг пинжигига тиқилган кўйи суҳбатларини давом эттиришди.

Бурчни ҳам унутмайлик!

– Вой, башаранг қурғурлар-ей, – деди уларнинг ёнида ўтирган аёл сал нари сурилиб юзини четга бураркан.

Кимдир унга ачингандай бош чайқаб, кимдир хайрихоҳдай қараб қўйди, холос. Аёлнинг рўпарасида ўтирган зиёли сифат киши эса истехзоли илжайди.

– Эй, хола, нега уларни ҳақорат қилаёпсиз? Замондан орқада қолиб кетган бўлсангиз, ким айбдор?

– Ўлиб қолишадими, са-ал одамга ўхшаб кийинишса, – деди аёл ҳануз чирмилиб.

– Биз демократик жамиятда яшаймиз, хола, – деди ҳалиги зиёлинома одам. – Инсон ҳуқуқлари деган гап бор. Ҳар ким ўз хоҳишича яшайди, кийнади. Бу ҳуқуққа даҳл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу қондага кўникайлик-да, акс ҳолда, чет элликлар олдида ўзимизни шарманда қиламиз.

Ҳалиги аёл қутилмаган хо-зиржавоблик билан тилга кирди:

– Менинг ҳуқуқимчи?

– Нима...сизнинг ҳуқуқингиз, ажабланиб қайта сўради ўша билимдон одам.

– Мен одамлар бир-бирига ҳурмат кўрсатадиган, бир-бирига одоб доирасида муомала қиладиган муҳитда ўсганман, – деди соддагина кўринган аёл фавқуллодда чечанлик билан. – Мана бу ёшларнинг юриш-туриши, жамоатчиликка нописандилиги менинг ҳам ҳуқуқимни поймол қилмайдими?

Аёлнинг сўзлари мени ўйлан-тириб қўйди.

Эълон

П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 2013 йилда Руз-матова Эркиной Абдурахмон кизи номига берилган К № 3169219 (руйхат рақами 8680) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзоакрамов Садулла номига 1996 йил 14 мартда хонадонга хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи учун берилган № 04-01/20250 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Абдуазимов Раҳмон Қўшбакович номига 1993 йил 16 февралда хона-донга хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи учун берилган № 01-01/4163 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ХОНОБОД ҚИРЛАРИДА ХАЗИНА ҚИДИРИБ...

Ўтган йили августда “Hamkor Simul Servis” инновацион лойиҳалар илмий тадқиқот маркази раҳбари Шохиди Султонова ташаббуси билан Андижон вилояти Хонобод шаҳрида “Хонобод комплекс экспедицияси” ташкил қилинди ва ушбу илмий тадқиқот ишларига етакчилик қила бошлади.



У “Хонобод рекреацион соғломлаштириш туристик мажмуаларини яратиш” лойиҳасини илгари сурган ҳолда Хонобод қирида қиридан янги бағирларда илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Ушбу лойиҳага Маданий мерос объеклари давлат департаментининг махсус рухсатномасига асосан Миллий археология институти археологлари, Гео-минерология давлат кўмиталари ходимлари жалб қилиниб, Хонободнинг геологик тузилиши ва ландшафт қир-даралари ўрганилди. Бугунги кунда 18 та шифобахш бўлоқ, Урта Осиёда қайд қилинмаган, қадимий денгиз ости маъданларидан ноёб, шифобахш Аржилит кони топилиб, Ўзбекистон тарихида янги саҳифа

очилишига сабаб бўлди. Экспедиция археологик қазилма ишларида қадимий тош даври одамларидан қолган қурол аслахалар, хўжалик буюмлари, аёллар тақинчоқлари умуман маданияти ривожланган халқ яшаётган манзилгоҳларни топиб, Урта Осиё халқлари қадимий тарихида янги саҳифа очишга эришди.

Шохиди Султонова жорий йил 30 ноябрь кунини Хонобод шаҳрида бўлиб ўтган “Хонобод тарихи”, “Хонобод – туризм гавҳари” номли анжуманда Ўзбекистон “Олтин мерос” медални ҳамда Қирғизистон Республикаси делегацияси томонидан “Чингиз Айтматов” давлат мукофоти совриндори бўлди.

Ўз мухбиримиз.

Эълон

“UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган куйидаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:

“Зирабулоқ пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил 5 ноябрдаги акциядорлар умумий йиғилиши баёни, “Зирабулоқ пахта тозалаш” АЖ бошқарувининг 2021 йил 16 ноябрдаги №6-ИЧ-сонли буйруғи ва “Зирабулоқ пахта тозалаш” АЖнинг 20.11.2021 йилдаги № 1/53-21-сонли хатига асосан Самарқанд вилояти Нарпай тумани Тепа маҳалласида жойлашган “Ёшлар маркази ва шоирлар хибони” бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси 1 586 494 000 (Бир миллиард беш юз саксон олти миллион тўрт юз тўқсон тўрт миња) сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил “30” декабрь кунини соат 10:00 да “Зирабулоқ пахта тозалаш” АЖнинг мажлислар залида (Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош шаҳри Зирабулоқ кўчаси 43-йў) бўлиб ўтади. E-mail:sher.turaev@gmail.com.

Аризаларни қабул қилиш манзили: Жиззах шаҳри Заргарлик маҳалласи. Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома

эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (12:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2021 йил 28 декабрь соат 16:00. Юқоридеги мулклар 2021 йил 30 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 13 январь кунини соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2022 йил 13 январьдаги такрорий савдолар учун 2022 йил 11 январь кунини соат 16:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатлат келишуви, закатлат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо голиби деб ишончнома шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юкла-

тилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномасини тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашчи учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатлат келишуви асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пули ва “Ризлаторлик хизматларнинг миллий стандарти (2-сон РХМС)” га асосан талабгорларга қўчмас мулк бозоридеда ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш хақининг уч баробари миқдордаги маблағлар савдо кунига қадар “UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖнинг “Ипотекабанк” АТИБнинг Жиззах вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига тўлаб берилади. Тел: 226-22-52. Лицензия: RR-0206.

Аукцион савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЖАМОАСИ**

юртимиз аҳлини Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг **29 йиллиги БАЙРАМИ** билан самимий қутлайди ҳамда тинчлик-хотиржамлик, мустақкам соғлик, оилавий бахт тилайди.

Яшил бойликларимизни кўз қорачиғидек асраш, янги-янги ўрмонзорлар барпо этиш, дарахт ва ўсимлик турларини кўпайтириш борасида астойдил меҳнат қилаётган ўрмончиларимизнинг ишларига ҳам ривож берсин!  
Кундан-кунга чирой очаётган жонажон Ўзбекистонимизга кўз тегмасин.  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

**ИПОТЕКА BANK**

**8  
ДЕКАБРЬ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси  
қуни билан!**

**ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ АГРАР  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни **8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН** муносабати билан муборакбод этади.

Ватанга муҳаббат, Истиқлол гояларига садоқат, миллий кадриятларимизга ҳурмат- эҳтиром туйғулари ҳамиша дилларимизни, йўлларимизни ёритиб турсин.

**Доимо юртимиз  
тинч, ҳаётимиз  
фаровон, халқимиз  
омон бўлсин!**

➤ **Аҳолини рўйхатга олиш – 2023!**

**ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ  
МУҲОҚАМА ҚИЛИНДИ**

Яқинда Тошкент шаҳар Учтепа тумани "Тақачи" МФЙда туман статистика аҳолини рўйхатга олиш бўлими томонидан аҳолини рўйхатга олишнинг мазмун-моҳияти ва унда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда рўйхатга олиш ишлари-га кўрилатган тайёргарлик жараёни ҳамда белгиланган вазифалар ижроси ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилиб, келгуси йилнинг 1-5 ноябр кунлари интернет тармоғи орқали, 11-22 ноябр кунлари эса хонадонларга ташриф буюрган ҳолда сўров ўтказиш орқали аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилиши таъкидланди. Семинар ниҳоясида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар ва келгуси жараёнлар учун ҳамкорликка тайёр эканликларини билдиришди. Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ахборот хизмати

➤ **15 ноябрь – 15 декабрь – "Ёнғин ҳавфсизлиги" ойлиги**

**ҲУШЁРЛИК – ХОТИРЖАМЛИК ГАРОВИ**

Маълумки, жорий йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрь кунига қадар юртимизда "Ёнғин ҳавфсизлиги" ойлиги ўтказилмоқда.

Ушбу ҳушёрликка чорловчи ойликда юртдошларимиз янада фаол иштирок этиб, бир-бирига намуна бўлса, ёнғин билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшган бўлади, албатта. Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак? Аввало, ўзимиз яшаётган хонадон ёки ишхонамизни иситиш мақсадида фойдаланаятган электр ва газ ускуналарида тўғри фойдаланишимиз, носозликлар бўлса, дарҳол бартараф этишимиз керак. Қолаверса, бу борада барча яқинларимизни доимо ҳушёрликка чақириб туришимиз ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Ёнғин ва бошқа фавуқлодда вазиятларда биринчи навбатда "101" ёки "1050" қисқа рақамлари орқали қутқарув хизматига хабар бериш керак.

**Учқун ТУРСУНОВ,**  
Сергели тумани ФВБ П ва НБ инспектори, оддий аскар.

**QISHLOQ  
HAYOTI**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси тарихидати ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.  
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
Актам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,  
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
НАШР ИНДЕКСИ – 144.  
Буюртма Г-1247. 1854 нускада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.  
Факс – (0-371) 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.  
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021

7 72010 702007

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.10

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6